



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2021-yil 17-sentabr / № 38 (4645)

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

МАТОНАТ — МИЛЛАТ МАКТАБИ

Тарбия... Шу биргина ҳаётбахш сўздан таралган нур кўнгли кўзини очади. Кейин қалбнинг қат-қатида бўй кўрсатади. Чунки у бизга бобомерос, момомерос фазилат. Отамиз қонидан, онамиз сутидан жисму жонимизга ўтган. Балки шундандир — жисм поклиги — тарбиянинг аввали, деймиз. Қалб поклиги эса машаққатли тарбиянинг маҳсули бўлса, не тонг.



Аслида "тарбия" сўзининг таърифу тавсифида буюк аждодларимиздан асллар оша ўтиб келаётган қанчадан-қанча фикру мулоҳазалар, қиёсу қайдлар, ҳикмату хитоблар борки, ҳар бирининг мазмун-моҳиятида ҳаёт ҳақиқати юз очиб турибди. Давлат бошқарувида соҳибқирон Амир Темурининг адолат мактаби, дин-диёнат, иймон-эътиқодда Имом Бухорий ҳазратларининг саҳиҳ ҳадислари, сўз мулкларининг султони Мир Алишер Навоий бобомизнинг шон-шухрати ёки мардлар марди, вазанларларнинг сардори Жалолиддин Мангуберди жасорати — бор одамга оламга кўз-кўз қилгулик. Яна не-не азиз ва муқаррам зотлар номларини келтириши мумкин. Улар — умри-ни элу юрт тинчлиги, фаровонлиги, маърифати учун бахш этган миллат улуғлари. Бу ҳаёт ҳақиқатини англашнинг мураккаб томони шундаки, кимдир кимга икки кўзи билан қарайди, ўзгаси эса қалб кўзи билан нигоҳ ташлайди. Ана шу қалб кўзи билан кўра билши, етти ўлчаб бир кесиб, содда айтганда, оғир ва ваазмин мулоҳаза юритиш тўғриси тарбия боисдир, албатта. Чунки сурат-сийрат ўртасида тарбия гоҳида гул-гулзор, хуш ниёту хуш дуолар оғушида бўлса, гоҳида тошлар, тошмехрлар дашномиди. Шу боис тарбия ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни ҳеч ким буюк миллатларвар, маърифатларвар, улуг доғишманд, жадидлар жонфидоси Абдулла Авлоний бобомиздек кескин ва ҳаққоний таърифламаган: "Тарбия — биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё наҳот, ё ҳалокат, ё саодат, ё ўлқатқат масаласидир".

Фирмо — ўткинчи, йиллар, давру давронлар — ўткинчи. Аммо тарбияли тилдан тўқилган илму ҳикматнинг, ҳаётини, бор-будини миллат маърифатига бахшида этган эиё аҳлининг, том маънода ватанпарварларнинг умрлари абадийдир.

Ушбу битиклардан мақсад, сўзимизни сал наридан бошлаганимиз боис бор. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Токио шаҳрида бўлиб ўтган ёзи Паралимпия уйинларида иштирок этиб, ғолиб ва совриндор бўлган ҳамюртларимизни тақдирлаш тантанасида иштирок этгани ва паралимпиячиларимизни самимий кутлагани, оқил сиёсатшунос, доно раҳбар, меҳрибон ота сифатида чуқур фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдиргани кўнглимизни титратгани рост. Бу Ватан бугуни ва келажак ташвишида ёниб айтилган сўзлар, бу дил дардидаги самимият, адолат, рост, ҳар бир анжуман иштирокчисига илҳом бағишлади. "Юртда шунча улуг ишлар амалга оширилган бўлган пайтда мен нима қила олдим, сафда ўрним борми?", деган саволлар шууримизда кўз очди. Айниқса, тўрт мучаси соғ бўлмаса-да, бироқ қалби, иймони бутун ўғил-қизларимиз дунё кўз ўнгида Ўзбекистонимиз мадҳиясини янграбди, байрогини боши узра хилпиратганда, ҳам ўзини, ҳам элу юртини тарбияга буркаб турганида, биз эки мен нимага эришдим, деган саволлар юрак-бағирни тилади...

Яна бир гап, ўзгалар эришган ютуқлар ҳақида оғиз тўлдириб гапириш, чапак чалишни ўрнига қўйиш учун марди майдон бўлиш шарт эмас.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик бу — билимсизликдир!" Мана шу "қашшоқлик" бир пайтлар миллатимиз, халқимиз жисму жонини чирмаб олгани сир эмас. Президентимиз юриятдан очик мулоқот, очик сиёсат, очик ислохотлар боис бундай маҳдудлик деворлари нураяпти. Энди давлат ашкларини халқ учун, жамият учун очилди. Дунё бизга, биз дунёга бўйлади.

ТАРИХ, БУГУН ВА КЕЛАЖАК ЧОРРАҲАСИДА

Президентимизнинг ташаббуси билан жорий йилнинг 15 сентябрь куни Хива шаҳрида "Марказий Осиё цивилизациялар чорраҳасида" деб номланган маданий форум бўлиб ўтди. Форум доирасида Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг V конгресси Тошкент шаҳрида ўтди. Анжуманда юзга яқин маърузалар тингланди.



Конгресс доирасида "Ўзбекистоннинг 300 буюк дурдона кўлэмалари" номли фотоқўرғазма, Риштон қўлоқчилик буюмлари кўрғазмаси, Шаҳрисабз ва Самарқанд ёдгорликларига виртуал саёҳат — "Замонавий илм-фанда 3D-технологияси" видеоарт кўрғазмаси, Ж.Усмоновнинг "Алишер Навоий шеърини" суратлар кўрғазмаси, "Ўзбекистон тарихи фотосуратларда", "Марказий Осиё картографияси: фан ва геосиёсат ўртасида" фотоқўрғазмалари, археолог, Урта Осиё маданияти тадқиқотчиси Леон Баршевскийнинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банкнинг нумизматик тўплами кўрғазмаси ва бошқа кўплаб тадбирлар бўлиб ўтди.

Буюк ҳукмдор ва аллома Мирзо Улугбекнинг "Сувар ал-кавакиб ас-са-



бита" ("Харакатсиз юлдузлар китоби") факсимеле нашрининг тақдими йилгиланларни ҳайратга солди. Австриянинг "Mueller&Shindler" нашриёт уйи ва Ўзбекистон Маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти томонидан тайёрланган бу ноб китобнинг кўлэмаси Франция Миллий кутубонасида сақланади. Ушбу нашр улугвор қадимий кўлэмаларимизнинг еттинчи факсимеле нашри

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, қайта тикланаётган афсонавий халқаро Тошкент фестивали эндиликда "Ипак йўли дурдонаси" номи билан Ўзбекистон Киномагистратия агентлиги томонидан 2021 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида ўтказилади.

Қайта тикланган Тошкент халқаро кинофестивалига бу йил дунёнинг ўттиздан зиёв мамлакатидан танкиди актёрлар, режиссёрлар, киноижодкорлар келиши кутилмоқда. "Ипак йўли дурдонаси" халқаро доирадаги ҳамкасблар билан тажриба алмашиш инновацион майдони ва йилнинг энг аҳамиятли маданий воқеаси сифатида намоён бўлувчи катта киномагистратия. Ушбу халқаро кинофестиваль "Тинчлик, маърифат ва тараққиёт учун!" шиори остида ўтади.

— Тошкент халқаро кинофестивали яна тикланди, — дейди қувонч билан танкиди актриса Саида Рамотова. — Қувонарлик, дунё кинолари бизнинг экранларда намоён этилади, ўзимизнинг фильмларимизни ҳам ўзга халқлар кўришади,

бахо беришади. Мана шу жиҳатдан ҳам бу кинофестиваль аҳамиятлидир. Меҳмон сифатида таширф буюрадиган киноижодкорлар орасида ёшлар қўлчиликни ташкил этаётганини эшитиб хурсанд бўлдим. Улардан ҳам кўп нарсаларни ўрганишимиз деб ўйлайман. Санъат доимо яхшиликка хизмат қилади.

Биз ижодкорлар яхшилик элчиларимиз. Тошкент халқаро кинофестивали эса шундай элчиларни бирлаштиради, санъат йўлида бир қучга айлантиради. Буни қарангки, меҳмон ижодкорларга биз актёрлар, санъаткорлар ҳамроҳлик қилар эканмиз, уларга мамлакатимиз, ундаги ўзгаришлар, санъатимиздаги янгиликлар ҳақида маълумотлар берамиз. Насиб этса, Ҳиндистон вакиллари ҳамроҳлик қилиш мен ва яна бир неча ҳамкасбимга топширилди. Энди бугундан бошлаб Ҳиндистон санъати, актёрлари ҳақида янаям кўпроқ маълумотга эга бўлиш учун илзанаман.

Киноижодкорлар "Хорижий мамлакатлар кино кўнраги" тадбирлари доирасида Тошкент шаҳри ҳамда Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Қашқадарё вилоятларига таширф буюради. Ушбу вилоятлардаги театр, кинотеатр, ёшлар марказлари, санъат саройлари, концерт заллари меҳмонларни кутиб олишга шай ҳолатга келтирилмоқда. Бу масканлардаги тадбирларда хорижий ижодкорлар билан биргаликда ўзбек санъати вакиллари ҳам қатнашади. Фестиваль доирасида машҳур киномухтаassisлар ва режиссёрлар иштирокида ёш киноижодкорлар учун маҳорат дарслари, ижодий учрашувлар, кинотренинглр, давра суҳбатлари, ҳудудларда киноқўрғазмалар, энг яхши миллий ва хорижий фильмлар намоишлари ўтказилади.

Тарихдан маълумки, кинофестиваллар танловларсиз ўтмаган. Сабаби, танловлар ижодкорларни соғлом рақобатга, илзанишга ундайди. Бу йилги Тошкент халқаро кинофестивалида ижодкорлар ҳам турли мукофотлар, совринлар, пул мукофотлари билан тақдирланиши кутилмоқда.

Назозат ИБРОҲИМОВА

ИДРОК ВА ИЗҲОР ЭҲТИЁЖИ

Ёзувчи Хуршид ДЎСТМУҲАММАД билан суҳбат

— Суҳбат аввалидан "лирик чекиниш" қилиб, бизнинг талабалик давримизни — 1988-89 йилларни би-ир ёдга олак, қаршимасмизми?

— Бажонидил. Ҳар бир инсоннинг қайтариб бўлмас умр йулларини "қайтариш"нинг ягона чораси битта, у ҳам бўлса — хотира, хотира нашаси!

— Сиз ўша кезларда машҳур "Ёш куч" журналида ишлайсиз, танкиди ёзувчи, журналистсиз. Талабалар шаҳарчаси, журналистика факультети талабалари яшайдиган 89-ётоқхона катта мамлакатнинг "томир уришига мос равишда нафас олади". Катта бошингизни кичик қилиб, талабалар ётоқхонасига тез-тез келасиз. Ёшлар билан эринмасдан суҳбатлашиб, ярим тунгача "бетгачопар талабалар" даврасида қолиб кетган пайтларингиз кўп бўлган. Ўша келишларингиз натижасида журналда талабалар ҳаёти, факультет фаолиятига оид долзарб мақолалар эълон қилинарди. Ҳаёт қозони қайнаган ўша йилларда ёшлар, талабаларга рост гапириш "касаллиги" сизнинг ўша мақолаларингиздан ҳам юққан бўлса, ажаб эмас.

Айтинг-чи, талабалар ичига ўша "юршиларингиз" Сизга нима берган?

— Нимадир берганки, борганман.

Ҳаммага аён ҳақиқат бор — ёшларнинг фавқулодда фикрлашга мойиллиги инсон ҳаёти ва тафаккур оловини алангалатиб туриш қувватига эга. Истанг илохий иноят денг, истанг табиий стихия денг, ҳаёт ва инсон мавжуд экан, мазкур қонуният ҳеч қачон ўзгармайди. Ҳеч қачон! Тўғри, ёшларнинг фикр изҳори баҳсли, кескин, кўндаланг бўлиши мумкин, қуноқсонга сифмаслиги мумкин. Бундай муносабатни бетгачопарлик, маҳмаданалик, кексақарлик деб, ҳатто шаккоқлик дея "алқаш" одаларимиз ҳам йўқ эмас. Бироқ шу ўринда яна бир боқий ҳақиқатни эслашга тўғри келади: тараққиёт куртақлари ўша бетгачопарлик, маҳмаданаликлар бағрида, замирида униб-ўсади, равнақ топади!

Инсоният тарихидаги барча катта-кичик ғояларни, ихтирою кашфиётларни ўзига қадам мавжуд бўлган тушунача ва қарашларга нисбатан бетгачопарлик ва маҳмаданалик деб қабул қилсақ янгилишимиз (уни исён, инқилоб, шак-

коқлик десак ҳам моҳият ўзгармайди). Масала жўнлаштириб юборилгандек эриш туюлмасин, мен жуда кенг рамзий маънони назарда тутмоқдаман.

Ёшлардаги бундай мойиллик ёши улуғлар томонидан қандай қарши олиниши, яъни муносабат эса ниҳоятда но-зик муаммо. Жамият миқёсидаги муаммо.

Тараққиёт истагидаги ҳар қандай жамиятда ёшларнинг интилишларини оруз-хавасларига қўлоқ солиш тизими яратилмоғи зарур. Ижтимоий "об-ҳаво"ни ўзгартиришга дахлдор янгиликларга (ғояларга, тақлифларга ва ҳоказо) тоқат етишмаган жойда эса кибр бошланади, истибод бош кўтарди. "Мендек ақли донишманд турган жойда сенга нима бор?!" деган кайфият майдонини эгаллайди.

Саволингизга қайтадиган бўлсам, ўрни келиб қолди, бир чиндим мақтанисизга изғ берсангиз, айтаман.

— Марҳамат.


— Каминаннинг феълда танкиди, мулоҳазага, маъно-маъзи тўқ "бетгачопарлик"ка нисбатан тоқат бисёр. Йилт этган янги фикр, янги ғоя, янгича ёндашув гадосиман, уни узим излаб юраман. Шу маънода хали-хануз талабалар билан ҳамсуҳбат бўлиш имконини истайман. Талабалар даврасида ўзимни талабадеб — толиби илмдек ҳис қиламан.

Мавзу ўзининг адабиётга бурадиган бўлса, буюк Чўлпоннинг "Улуг Ҳиндий" мақоласидаги қарашларни вақти-вақти билан эсга олиб қўйсақ, фойдадан холи бўлмайди. Бир жумла ўқийлик:

"Эски адабиёт билан янги адабиётнинг ўртасида қолган шарқли ёш чинакам чўчмал бир вазиятдир... Бизнинг ўзбеклар... адабиёт майдонида янгиликка нисбатан ёш бола, гўдак, чақалоқ, эскиликка нисбатан етим, кимсасиз; безпризорный, ўзбошли! Журъат қилиб "йўлсиз" деб юбора-йин дейман-у, қўрқаман; негаким бошлаб... ўзим йўлсиз! ...Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил!

Кўнгли бошқа нарса — янгилик қидирадир".

Чўлпон 25-26 ёшида ёзган бу сўзлар ҳозир ҳам кимларгадир оғир ботиши мумкин, бу ҳам табиий, чунки тўғри



гап аччиқ бўлади, бироқ, нима бўлган тақдирда ҳам мен танкидий-тахлилий муносабатга тоқат қилиш адибларимиз ва адабиётимиз учун кони фойда деб ўйлайман.

— Чўлпон шу гапларни ёзаётганда эҳтиросга берилгандек туюлмаётми?

— Эҳтирос туйғусини ёдга солганингиз учун раҳмат. Ёдингизда бўлса, шўролар даврида салгина кескин мулоҳаза билдирган одамни эҳтиросга берилганликда айблов одати бор эди (энг севрақтирос одам академик А.Сахаров!). Бундай ёндашувни яқин-яқингача муқаддас аънаъа янгилик ардоқлаб келдик. Вақолапки, эҳтирос ҳар қандай ижоднинг оловини олдирадиган чақмоқ. Билишга олиб борадиган сўқмоқ. Илм дарвозасининг калити ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталигининг 1988 йил 23 сентябрь сониди эълон қилинган "Эҳтиросни тушуниш" номли мақолада қисман шунга ўхшаш мулоҳазаларни ўртага ташлагандим). Эҳтироснинг шакл-шамойилидан эмас, моҳиятидан излайлик янгилик мағзини, олам гулистон!

Разм солайлик, ҳозирги пайтда, айниқса, ёшларда эҳтирос сўниб бораётгандек. Уларни бирор нарсага қизиқтириш амри маҳол денг. Ҳайратлангича машаққат. Ахир, қизиқмаса ҳайратланмайди, ҳайратланмаса эҳтиросга берилмайди, эҳтиросга берилмаса билмайди... У ёғи тепса тебранмаслик, лоқайдлик, фикрий танбаллик бир қадам!

Айтмоқчиманки, Чўлпон эҳтиросга берилмайдиган одам бўлганда нафақат мазкур мақолани, балки бошқа ўлмас асарларини ҳам ёзиш истагида қўлига қалам тутмас эди.

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йилнинг 26 февраль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектр йиғилишининг "Хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат органларининг масъулиятини ошириш тўғрисида"ги 11-сонли Баёнида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан аёл, мўътабар она сиймоси юксак даражада зътироф этилган асарлар муаллифларини тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан "Аёлга эҳтиром" Республика ижодий танлови ўтказилади.

Танловни ташкил этишдан мақсад — Янги Ўзбекистонимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, эркин ва фаровон юрда баркамол авлодни тарбиялаб, жамиятдаги бунёдкорлик ишларида фаоллик, фидойилик кўрсатган заҳматқаш, мўътабар аёллар ва жасорат, матонат тимсоли бўлган оналарга бағишлаб ёзилган шеърый асарлар, дostonлар муаллифларини рағбатлантириш ҳамда янги асарлар ёзишга руҳлантиришдир.

Шунингдек, танловга Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини уйғотадиган, аждодларимизнинг маънавий меросини ва миллий қадриятларимизни асрашда, ижтимоий ҳаётда аёлнинг, мўътабар онанинг ролини ёш авлод қалби ва онига янада чуқурроқ сингдира оладиган, 2018-2021 йилларда босма нашрдан чиққан шеърый асарлар, дostonлар тақдим этилиши лозим.

Асарлар жорий йилнинг 20 сентябрь кунига қадар Ёзувчилар уюшмасига қуйидаги ҳужжатлар билан биргаликда тақдим этилиши лозим:

- муаллиф аризаси ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- муаллифнинг манзили ва телефон рақами.

Барча ижод аҳли, республиканинг чекка ҳудудларидаги қаламқашлар фаоллигини ошириш танловнинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Танлов ғолиблари 2021 йил 1 октябрь — Устоз ва мураббийлар байрами арафасида тақдирланади.

Маълумот учун телефон: (71) 231-83-71.

